

Ҳали ҳам кеч эмас



10:00 / 15.01.2022 2433

Машҳур қироат имомларидан бири имом Кисой роҳимаҳуллоҳ 40 ёшигача қўй боқиб юрган. Кунлардан бир куни у қўй боқиб юрганида боласини Қуръон мадрасасига юбораётган онани кўриб қолади. Бола «бормайман» деб хархаша қилаётган эди.

Онаси унга деди:

- Сен албатта Қуръон ҳалқасига бориб таълим олишинг керак. Акс ҳолда мана бу чўпонга ўхшаб қоласан!

Кисой буни эшитиб: «Ҳали мен инсонларга мисол қилинадиган бўлиб қолдимми?!», дея қўйларини сотиб юборади. Сўнгра илм олишга киришиб луғат ва қироатда етук имом бўлади. Уни инсонлар илмда ва олийҳимматли бўлишда мисол қила бошлашади.

Агар инсонлар ўзи учун чиқарган қарорлари иймон ва иродада собит бўлса, унинг вақтлари бесамар кетмайди.

Абдулқодир Полвонов саҳифасидан фойдаланилди.

Хуршид Маъруф тайёрлади